

**Марказий Банк томонидан “Бутунжаҳон жамғариш куни” доирасида
мактаб ўқувчилари учун ташкил этилаётган “Молиявий математика”
онлайн тестни ўтказиш
ҚОИДАЛАРИ**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Қоидалар “Бутунжаҳон жамғариш куни” доирасида ўтказилаётган “Молиявий математика” онлайн тестини (бундан буён матнда Онлайн тест деб юритилади) ташкил этиш тартибини белгилайди.

1.2. Онлайн тест мактаб ўқувчилари эътиборини молиявий саводхонликка жалб этиш мақсадида Марказий Банк томонидан интеллектуал беллашувларни ташкил этиш орқали ўтказилади.

1.3. Онлайн тест жорий йилнинг 30 октябрь куни khiso.uz онлайн платформасида ўтказилади.

1.4. Онлайн тест молиявий математика интеллектуал беллашувида энг кўп балл тўплаган иштирокчилар орасидан ғолибларни аниқлайди.

2. ОНЛАЙН ТЕСТНИНГ МАҚСАДИ

Онлайн тестнинг мақсади ўқувчиларнинг молиявий саводхонлик, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва молиявий математика соҳаларидаги билимини ошириб, таълим ва тадқиқот йўналишидаги ишларини рағбатлантиришдан иборат. Бунинг учун қуйидаги масалалар ечилади:

- умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида молиявий математикага оид билимларни тарғиб этиш;
- умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида молиявий математика кўникмаларини ҳосил қилиш ва уларни оммалаштириш.

3. ОНЛАЙН ТЕСТ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

Онлайн тест ташкилотчилари:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки – Молиявий саводхонликни ошириш ва банк мутахассисларини қайта тайёрлаш департаменти;
- khiso.uz веб-сайти платформаси орқали Ал-Хоразмий номидаги халқаро онлайн-олимпиада мактаби.

4. ОНЛАЙН ТЕСТ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Онлайн тест умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун ўтказилади.

5. ОНЛАЙН ТЕСТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Иштирокчиларни рўйхатга олиш Ал-Хоразмий номидаги халқаро онлайн-олимпиада мактаби веб-сайти орқали (www.khiso.uz) жорий йилнинг **20 октябридан 30 октябрига** қадар амалга оширилади.

Онлайн тест жорий йилнинг 30 октябрь куни танловнинг расмий сайтида бўлиб ўтади.

Молиявий математика бўйича онлайн саволлари 20 та электрон тестни ўз ичига олади ва уларга жавоб бериш учун 1 соат вақт берилади.

Онлайн тест учун максимал баҳо 100 баллни ташкил этади.

Онлайн тест натижаларига кўра ҳар бир иштирокчи махсус электрон сертификат билан тақдирланади.

6. ОНЛАЙН ТЕСТНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ

Онлайн тестнинг ташкилий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ал-Хоразмий номидаги халқаро онлайн-олимпиада мактаби ходимларидан иборат бўлиб, улар қуйидагиларни амалга оширади:

- иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳаволани эълон қилиш;
- баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- онлайн тест учун саволлар ишлаб чиқиш;
- онлайн тест саволларини khiso.uz электрон платформасига жойлаштириш;
- онлайн тестни ўтказиш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш;
- Марказий Банкнинг ижтимоий каналларида онлайн тест натижалари бўйича ахборот бериб бориш.

Онлайн тестнинг ташкилий қўмитаси 4-бандда кўрсатилган онлайн тест шартларига жавоб бермайдиган иштирокчиларни огоҳлантиришсиз мусобақадан четлатиш ҳуқуқига эга.

7. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН РОЗИЛИК БЕРИШ ВА ИШТИРОКЧИЛАРДАН ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ТАСДИҚЛАР

Онлайн тест давомида иштирокчилар ҳақида олинган маълумотлар ташкилотчи ва учинчи шахслар томонидан ахборот ва ҳисобот бериш мақсадида, шунингдек Онлайн тестнинг бош мақсадини амалга оширишда (танлов ўтиши жараёнларини эълон қилиб бориш мақсадида танлов расмий веб-сайтида, Марказий банк ижтимоий тармоқларида, молиявий саводхонлик веб-сайтидаги матбуот релизларида) молиявий саводхонлик ва молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига

омма эътиборини жалб қилиш учун исталган шаклда фойдаланилиши мумкин. Бунинг учун иштирокчига қўшимча ҳақ тўланмайди ва ундан рухсат олинмайди.

Онлайн тестда иштирок этиш иштирокчини онлайн тест Қоидаларида белгиланган шартларни ўқиб чиққанлигини ва уларга рози бўлишини аниқлатади.

8. АРИЗАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Онлайн тестда иштирок этмоқчи бўлганлар khiso.uz электрон платформасида рўйхатдан ўтишлари керак.

Қўшимча саволлар учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилинг: +99871 212-73-56.

Рўйхатдан ўтиш учун зарур маълумотлар

Ф.И.Ш.	
Ҳудуд, яшаш манзили	
Телефон рақами	
Ўқиш жойи (умумтаълим муассасасисининг рақами)	